

МУЛОҚОТЛАРДА АҚШ БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ВА ҲУДУДЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлиб турибди.



Давлатимиз раҳбари Вашингтон шахрига ташрифи доирасида 5 ноябрь кuni ўзига ажратилган қароргоҳда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари Билл Хайзенга, Кэрол Миллер ва Сидни Камлагер-Давни қабул қилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки мамлакат парламентларининг амалий ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги алоқалар жадал ривожланиб бораётгани, АҚШ Конгрессида Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича Кокус самарали фаолият олиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ҳар йили Вакиллар палатасида Кокус кўмағида икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган Ўзбекистон кунлари ўтказиб келинмоқда.

Конгресс олий даражада эришилган, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга доир келишувларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиши муҳим экани таъкидланди.

Ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш, конгрессменлар вакилик қилаётган Ғарбий Виржиния, Мичиган ва Калифорния штатлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида АҚШ Конгресси вакилларининг Ўзбекистонга ташрифини уюштириш, шунингдек, икки мамлакат ҳудудлари раҳбарлари бошчилигидаги ишбилармон доиралар делегацияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этишга келишиб олинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Вашингтон шахрига амалий ташрифи доирасида ўзига ажратилган қароргоҳда АҚШ Сенатидаги Марказий Осиё бўйича Кокуснинг ҳамраиси, сенатор Стив Дэйнсни қабул қилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари парламентлараро алоқаларга, хусусан, Сенатдаги Марказий Осиё бўйича Кокус фаолиятига юқори баҳо берди.

Икки томонлама ҳамкорликда мисли кўрилмаган юсак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо кўрсаткичлари ўсмокда, АҚШнинг етакчи компаниялари билан муваффақиятли кооперация лойиҳаларининг сони кўпаймокда.

Кейинги ойларда рекорд қийматдаги келишув ва шартномалар имзоланди. Бу галги ташриф давомида янги иқтисодий ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган. АҚШ Конгресси мазкур келишувларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаши муҳим экани таъкидланди.

Сенатор Стив Дэйнс вакилик қилаётган Монтана штати билан фаол ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди. Штат ишбилармонлари делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи давом этмокда.

ДОҲАДА ЎТКАЗИЛГАН БУТУНЖАҲОН САММИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТАКЧИЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСINI НАМОЙИШ ЭТДИ

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Қатарга амалий ташрифи ва ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Бутунжаҳон саммитидаги иштироки ҳақида

Бу воқеалар ижтимоий соҳада глобал ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон — Қатар муносабатларини янада чуқурлаштириш нуқтан назаридан сиёсий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон раҳбарининг бундай нуфузли халқаро форумда иштирок этиши мамлакатнинг барқарор ривожланиш ҳамда ижтимоий адолат масалаларида фаол ва масъулиятли позициясини ифодалайди.

Муносабат

ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАР

Президентимиз 4 ноябрь кuni Доҳа шахрида ўтказилган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи жаҳон саммитида иштирок этиб, ҳамжамият олдида инсон кадрини юксалтиришга қаратилган янги ғоя ва муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Мазкур чиқиш нафақат Ўзбекистоннинг янги ижтимоий сиёсий йўналиши, балки мамлакатимизнинг халқаро майдондаги фаол фуқаролик позициясини ҳам ёрқин ифода этди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари “Инсон қадри учун” тамойилини давлат сиёсати ва жаҳон

миқёсидаги ҳамкорликнинг бош мезони сифатида илгари сурди. Бу ғоя янги Ўзбекистон концепциясининг марказида туради ва янги тахрирдаги Конституциясида ҳам мустаҳкамланган.

Буюк ўзбек йўли

“САМАРҚАНД РУҲИ” — ЯНГИ ДУНЁ ТАРТИБИНИ МАЪНАВИЙ АСОСДА ҚУРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Дунёда шундай тарихий шахарлар борки, нафақат қитъалар, балки бутун инсониятнинг маънавий қиёфасини белгилаб берган. Самарқанд ана шундай шахарлардан. Қўхна ва хамиша навқирон кент асрлар давомида Шарқ ва Ғарбнинг маданият ва цивилизациялар чоррахасидаги буюк мулоқот маскани сифатида танилган. Бугун эса у яна бир бор жаҳон диққат марказида — ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси орқали бутун инсоният тарихида янги саҳифа очмокда.



Зеро, бу анжуман шунчаки халқаро миқёсли дипломатик тадбир эмас. У, аввало, янги дунё тартибида гуманитар сиёсат, маънавият ва маданият орқали тинчликни мустаҳкамлаш ғоясининг янги босқичини бошлаб берди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанддаги ушбу минбардан янграган нутқи бутунги беқарор, геосиёсий зиддиятларга тўла дунёда инсонни, маънавиятни, меросни, илм ва адолатни марказга қўйиш даъвати бўлди.

ЮНЕСКО Бош конференцияси одатда Париждаги бош қароргоҳда ўтказиларди. Аммо сўнгги 40 йил ичида илк бор бу форум Франциядан ташқарида — Самарқандда бўлиб ўтди. Шунинг ўзи ҳам юртимизнинг халқаро нуфузи, дунёдаги маънавий ва маданий марказ сифатидаги обрўсини ёрқин тасдиқлайди. Шу билан бирга, бу ҳолат янги Ўзбекистоннинг илм, маърифат ва маданият орқали дунё билан мулоқот қилиш тамойилининг амалий натижаси эканини кўрсатади.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Бугунги кунда мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт, демократик жамият қуриш йўлидаги ислохотлар самарадорлигини таъминлашда касаба уюшмаларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Зеро, мамлакатимиздаги туб ижобий ўзгаришлар жараёнида энг йирик жамоат ташкилоти — касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмокда. Хусусан, ижтимоий шериклик ва мулоқот тамойиллари асосида меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга аҳоли фаровонлигини ошириш,

бандликни таъминлаш, уларга муносиб меҳнат шартонларини яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмокда.

Айни кунларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги кенг нишонланмокда. Бугунги кунда касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини ошириш, ишчи-ҳодимларга муносиб меҳнат шартонини яратиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг

самарали тизимини жорий этиш каби йўналишларда тизимли ишлар қилинмокда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Салкам 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти давомида юксалиш ва пасайиш даврлари ҳам юз берган, лекин бу ташкилот ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган”.



Жуманазар ОТАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда кейинги йилларда ижтимоий давлат концепцияси амалда шаклланди. Хусусан, ижтимоий ҳимоя дастурлари ягона тизим, яъни Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига бириктирилди. Камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқарган бўлса, маҳалла тизими орқали ҳар бир хонадон ва оила ижтимоий ҳимоя қилиняпти. Бу ислохотлар “Инсонлар давлат учун эмас, давлат инсонлар учун хизмат қилади” деган тамойилнинг амалий ифодасидир.

Президентимиз жаҳон миқёсидаги ижтимоий муаммоларга ечим излаш ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, 1,1 миллиарддан зиёд инсон камбағалликда яшаш қайд этилиб, ижтимоий тенгсизлиكنи камайтириш мақсадида Глобал ижтимоий адолат фондини тузиш таклиф этилди. Бу ташаббус БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг, муҳими, ривожланаётган мамлакатларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш имконини беради.

Технологик инқилоб ва сунъий интеллектнинг ривожланиши натижасида ишсизлик ўсиши фонида “ижтимоий масъулият ва муносиб меҳнат бўйича глобал ташаббус”ни ишлаб чиқиш таклифи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу инсон меҳнати-нинг қадрини асрашга қаратилган стратегик ёндашувдир.

Давлатимиз раҳбари иқлим ўзгариши масаласини фақат экологик муаммо эмас, ижтимоий муаммо сифатида ҳам қўриб чиқиш лозимлигини таъкидлади. Бу доирада Оролбўйи ҳудудида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги моделини жорий этиш режаси жаҳон миқёсида муҳим инновацион тажриба бўлиши мумкин.

Илгари сурилган ташаббуслар халқаро ҳамжамиятни “инсон марказидаги ривожланиш модели” атрофида бириктиришга қаратилди. Ўзбекистоннинг янги ижтимоий ривожланиш модели ички сиёсатда, жаҳон миқёсида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, мамлакатимиздаги ислохотлар — таълим тизимидаги модернизация, меҳнат бозори эркинлашуви, гендер тенглик ва ижтимоий ҳимоянинг рақамлашуви глобал миқёсда ҳам долзарб ечим сифатида тан олинмоқда.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг Доҳа саммитидаги нутқи Ўзбекистоннинг янги ижтимоий сиёсат фалсафаси ва халқаро нуфузининг амалдаги ифодаси бўлди. Унда жаҳон ҳамжамиятини бир қарорда қўллаб-қувватлаш, ижтимоий адолат ва инсон қадрини таъминлаш йўлида бирлашишга чақирув янгради.


Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, умуман, барча йўналишда юксак барқарор тараққиёт, 38 миллиондан ортиқ нуфусли юртдошларимизнинг фаровон ҳаёти, порлоқ келажаги йўлида шахдам бораётган қарвонга ўхшайди. Албатта, ушбу йўлни босиб ўтиш осон бўлмайди. Унинг ўзига яраша ўқир-чўқирлари бор. Қарвоннинг эса ўзгармас қоидаси шу — унинг ҳеч бир аъзоси ортда қолиб кетмаслиги керак. Барча бирдек нури манзилга қадам қўйиши зарур.

Шу боис, мамлакатимизда камбағаллик домига тушиб қолган, кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган шахсларга турли имтиёз ва қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасидаги лойиҳа ва ташаббуслар аини мана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Айниқса, ижтимоий-иқтисодий соҳалар рақобатбардошлигини ошириш, барча йўналишда бозор тамойилларини амалиётга татбиқ этиш жараёнида бундай оилаларни қўллаб-қувватлаш заруратга айланмоқда. Мисол учун, Ўзбекистонда кейинги йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини ислоҳ қилиш йўлида тариф сиёсати янада такомиллаштирилипти.

Албатта, бу ўзгариш ва янгиланишлар аҳолини узлуксиз энергия ресурслари билан таъминлаш ҳамда тармоқдаги камчиликларни тўғрилаш, керакли модернизация ишларини бажариш мақсадида қилинмоқда. Қисқаси, барча ислохотлар замирида аҳоли фаровонлигини ошириш, яшаш шaroитини янада яхшилаш мақсади мўжассам.

Президентимизнинг 2025 йил 2 апрелдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишда эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ёқилғи-энергетика соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш вазифаси белгиланган. Бошқача айтганда, ушбу қарор икки муҳим устувор йўналишни уйғунлаштириб турибди.



КУЗ-ҚИШ МАВСУМИ

МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАГА МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛМОҚДА

Бир томондан ҳужжатда белгиланган вазифалар тармоқда бозор механизмларини жорий этиш, самарадорлик ва рақобатни ошириш орқали бутун иқтисодиёт учун барқарор манфаатларни таъминлашга қаратилган.

Иккинчи томондан эса бу жараёнда ижтимоий адолат мезонлари қатъий сақланиб, аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд қатламларнинг манфаати муҳофаза қилинган.

Жорий йил 1 майдан 2027 йил 1 апрелга қадар аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича янги лойиҳалар амалиётга киритилди. Жумладан, электр энергияси истеъмоли бўйича — ойига базавий меъёрдан 150 киловатт/соатгача, табиий газ истеъмоли бўйича — иситиш мавсумида оила 250 куб метргача, қолган даврларда эса 150 куб метргача ортиқча сарфланган қисми учун давлат томонидан компенсация тўлаб берилади.

Тасаввур қилинг, мезонларга тўғри келувчи оила бир ойда 350 киловатт/соат электр энергияси сарфлади. Ушбу сарфнинг 200 киловатт/соати учун оила ўз хисобига 600 сўмдан пул тўлайди. Лекин 201 дан 350 киловаттгача бўлган қўшимча 150 киловатт/соатнинг нархидаги фарқ давлат томонидан қопланади.

Бу нима дегани? Оила ўз истеъмоли учун зарур энергиядан эркин фойдаланиши мумкин, аммо ортиқча харажатнинг оғир юки унинг аъзолари зиммасига тушмайди. Чунки давлат бу юкни ўзига олиб, оиланинг қўлида қўшимча маблағ қолишига шаронт яратади. Бу пул бошқа харажатлар, хусусан, болаларнинг таълим-тарбияси, шарoитини яхшилаш ёки бизнес ташаббусларни амалга оширишга сарфланиши мумкин.

Қарордан кўзланган мақсад бозор иқтисодиётини ривожлантириш жараёнида ижтимоий барқарорлик ва халқ

фаровонлигини бирдек таъминлашдан иборат. Шундай қилиб, компенсацияланган ҳар бир сўм оилаларнинг келажакка ишончини мустаҳкамловчи, ижтимоий адолат ва ҳам-жиҳатлик рамзи сифатида намоён бўлмоқда.

— Президентимизнинг 2025 йил 2 апрелдаги тегишли қарорига асосан 2025-2026 йил иситиш мавсумида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига шу йил 1 ноябрдан 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам тўлаш бошланди, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси Мадина Азизова. — Бу бўйича 1 миллион 162 мингга яқин эҳтиёжманд оила рўйхати шакллантирилди. Шундан 822 мингтаси “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ёки Камбағал оилалар реестрида мавжуд, 287 мингтаси “маҳалла еттилиги” ҳулосасига кўра қўшимча равишда шакллантирилган ҳамда 53 мингтаси камбағалликдан чиқиб, йўқсиллик домига қайта тушиш эҳтимоли юқори оилалардир.

“Маҳалла еттилиги” қўшимча эҳтиёжманд оилаларни шакллантиришда, биринчи навбатда, боқувчисини йўқотган 34 минг оила, ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз 7000 кекса, ногиронлиги бор 76 минг фуқаро, оила аъзоларида оғир касаллиги бор 24 минг хонадонга алоҳида урғу берди. Шунингдек, газ таъминоти йўқ 2000 дан ортиқ кўп қаватли уйда истиқомат қилувчилар ҳамда бир хонадонда уч ва ундан ортиқ оила бўлиб яшовчи 26 мингта оила киритилди.

Моддий ёрдам пулини беришда аҳоли орасида фақат нафақа ёки пенсияга яшовчи-лар, ёрдамга муҳтож ва оила боқувчиси хорижда ишлаётганларнинг ижтимоий ҳолати ҳам инобатга олинди.

Ҳўйхатини шакллантириш жараёнида замонавий технологиялар, рақамлаштирилган маълумотлардан унумли фойдаланилиши натижасида моддий ёрдам том маънода

эҳтиёжмандларга етиб бориши, адолат тамойиллари асосида тақсимланишига замин яратилди. Ҳар бир оиланинг мол-мулки ҳолати уй-жой ва автотранспорт бўйича махсус “скоринг” тизими орқали баҳоланди. Натижада иқтисодий барқарор, яъни ўзига тўқ 99 мингдан ортиқ оиланинг ёрдам рўйхатига тушиб қолишининг олди олинди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассисининг изоҳлашича, моддий ёрдам миқдори бежиз 1 миллион сўм этиб белгиланмаган. Таҳлилларга кўра, 2024-2025 йил иситиш мавсумида ушбу оилалар ўртача 254 киловатт электр ва 514 куб табиий газ истеъмоли қилган. Тарифларнинг ошиши натижасида уларнинг харажати тахминан 815 минг сўмга ортади. Тўланиши кўзда тутилган моддий ёрдам ушбу харажатни тўлиқ қоплайди.

Мазкур қарор нафақат энергетика соҳасини замонавий бозор қонуниятлари асосида ривожлантиришга туртки берди, балки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашининг мутлақо янги тизимини ҳам шакллантирди. Компенсация ва имтиёзлар механизми ҳар бир хонадон учун илҳомли харажатларни енгиллаштирмоқда. Шу билан бирга, келажак режаларига йўл очмоқда. Оилалар қўлида қолган маблағ уларнинг ҳаётини муҳим бошқа эҳтиёжларига йўналтирилиб, ижтимоий тараққиётнинг янги манбаи сифатида хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, энергетика соҳасидаги ислохотлар мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошириш билан бир қаторда аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган адолатли ва инсонпарвар сиёсат намунаси сифатида тарихда қолиши шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ДОҲАДА ЎТКАЗИЛГАН БУТУНЖАҲОН САММИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТАКЧИЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСINI НАМОЙИШ ЭТДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Доҳада бўлиб ўтган ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Бутунжаҳон саммитидаги нутқи билан танишиб чиқдим. Менимча, Президент томонидан тақдим этилган ташаббуслар нафақат стратегик жиҳатдан, балки инсонларнинг қадр-қиммати ва келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

Бошланиши 1-бетда

Халқаро экспертлар таъкидича, Ўзбекистон етакчиси томонидан ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Бутунжаҳон саммитидаги нутқда илгари сурилган таклифлар замонавий ижтимоий сиёсат моделларини ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Антонио АЛОНСО,
Сан Пабло университети профессори (Испания):



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Доҳада бўлиб ўтган ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Бутунжаҳон саммитидаги нутқи билан танишиб чиқдим. Менимча, Президент томонидан тақдим этилган ташаббуслар нафақат стратегик жиҳатдан, балки инсонларнинг қадр-қиммати ва келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

Адолат, тенглик ва заиф гуруҳларни ҳимоя қилиш тамойиллари доим қўллаб-қувватланиб келинган. Ўзбекистонда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартириш улкан ютуқ бўлиб,

бу тизимли ва мақсадли ислохотларнинг самарали йўлидан далолат беради.

Ижтимоий адолат учун глобал жамғарма ташкил этиш ташаббуси улкан халқаро салоҳиятга эга. Бутунги кунда ижтимоий тенгсизлик кучайиб бораётган шарoитда бундай тузилма глобал ҳамжамиятнинг камбағалликка қарши курашишдаги сайё-харакатларини мувофиқлаштириш учун кучли воситага айланиши мумкин.

Рақамлаштириш ва сунъий интеллект даврида меҳнат бозорининг замонавий қарашларини акс эттирувчи “Ижтимоий жавобгарлик ва муносиб меҳнат бўйича глобал ташаббус” гоёси ҳам бир хил даражада муҳимдир. Ушбу ёндашув замон руҳига мос келади ва технологик тараққиёт ҳамда инсоний қадриятлар ўртасидаги уйғунлиكنи таъминлашга қаратилган.

Президент, шунингдек, таълимнинг барқарор ривожланишда асосий омил сифатидаги ролини ҳақли равишда таъкидлади. Ўзбекистонда таълимга эътибор қаратган ҳолда очлик ва камбағалликка қарши курашиш бўйича глобал иттифоқ саммитини ўтказиш таклифи мамлакатнинг гуманитар кун тартибидида етакчиликка содиқлигини намоийш этади.

Меҳнат мигрантларини ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашишни бандлик дастурларига интеграциялашга қаратилган эътиборни юқори баҳолайман.

Бу Ўзбекистоннинг одамлар ва табиат бир бутун деб ҳисобланган инклюзив ва масъулиятли ривожланишнинг доимий равишда қўллаб-қувватлашнинг тасдиқлайди.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи гуманистик етакчиликнинг ёрқин намунаси ва глобал ҳамкорлиқнинг янги фалсафаси — инсоният, унинг шаъни ва қадр-қиммати йўлида ҳамкорлики акс эттирди. Ишончим комилки, билдирилган ташаббуслар сайёрамизда ижтимоий адолат ва барқарор ривожланишни мустаҳкамлаш учун пойдевор яратади.

Альберт ТАМ,
Цзянси молия ва иқтисодиёт универ-ситети профессори (Хитой):



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Доҳада бўлиб ўтган саммитдаги нутқини ваъзми, конструктив ва стратегик жиҳатдан пухта ўйланган дастур дея баҳолайман. Давлатингиз раҳбари ўз нутқида миллий ютуқларини намоийш этиш билан бирга глобал ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, камбағаллик даражасининг 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқаргани ҳақидаги аниқ рақамлар мамлакатдаги ислохотлар жиддий ва самарадор эканини тасдиқлайди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиши эса ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тизимли ёндашув мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти илгари сурган ташаббуслар кенг қамровли ва долзарб бўлиб, замонавий дунё олдида турган асосий муаммоларни ўз ичига олди. Хусусан, Глобал ижтимоий адолат жамғармасини ташкил этиш бўйича таклиф аини вақтида билдирилган бўлиб, жаҳон миқёсида камбағалликка қарши курашни институционал асосда йўлга қўйишга қаратилган.



Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган Оролбўйи минтақаси учун экологик муаммоларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлайдиган, барқарор ривожланиш тамойилларига мос келадиган янги моделини таъкидлаш жуда муҳим.

Умуман олганда, мазкур нутқ Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнасидаги ўрнини минтақавий, глобал даражада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қадам бўлди. Доҳа декларациясини фаол қўллаб-қувватлаш эса мамлакатнинг халқаро ҳамкорликка садоқатини яққол намоён этди.

Муҳаммад ТАЛҲАТ,
“Аль-Жумҳурия” наشري бош муҳаррири ўринбосари (Миср):



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қатар Давлатига ташрифи икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир. Ушбу ташриф нафақат Ўзбекистон — Қатар муносабатлари учун янги уфқларни очди, балки ўзаро ҳурмат, ишонч ва умумий манфаатларга содиқликка асосланган конструктив дипломатиянинг ёрқин намунасига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Доҳада бўлиб ўтган ижтимоий ривожланиш

бўйича иккинчи Бутунжаҳон саммитида иштирок этиши Ўзбекистоннинг глобал жараёнларда масъулиятли ва фаол иштироки сифатидаги ўсиб бораётган ролини намоийш этди.

Ўзбекистон етакчисининг ижтимоий адолат учун глобал жамғарма яратиш ва меҳнат мигрантларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслари халқаро қўллаб-қувватлашга лойиқдир, чунки улар адолатли, инклюзив ва барқарор дунёни қуришга содиқлики акс эттиради.

Ўзбекистон Президенти ва Қатар Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний ўртасидаги учрашув алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу мулоқот инвестициялар, “яшил” энергия, транспорт, туризм ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 45 фоиз ўсиши ўзаро қизқиш ва ишончни намоийш этади, маданий ва гуманитар алоқалар эса тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Президентининг Қатарга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихида янги босқични бошлаб беради, халқларини умумий фаровонликка яқинлаштиради. Ахир бундай ташрифлар Шарқий ва Марказий Осиё ўртасидаги дўстлик кўприкларини мустаҳкамлайди, бутун дунёда тинчлик, тараққиёт ва ижтимоий адолатни тарғиб қилади.



Хумаюн ХОН,
халқаро муносабатлар бўйича эксперт (Покисон):

— Ўзбекистон етакчисининг Қатарга ташрифи ва Доҳада бўлиб ўтган ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Бутунжаҳон саммитида иштирок этиши расмий Тошкентнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаган муҳим воқеалар бўлди.

Унинг ижтимоий адолат, тенг имкониятлар ва инсон қадр-қиммати масалаларига бағишланган нутқи кенг қизқиш уйғотди ва форум иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистон Президенти ижтимоий сиёсат ва халқаро ҳамкорлик бўйича стратегик қарашларини акс эттирувчи қатор ташаббусларни илгари сурди. Ижтимоий масъулият ва муносиб меҳнат бўйича глобал ташаббус таклифи бандлик ва технологик ўзгаришларнинг замонавий муаммоларига жавоб бўлди.

Алоҳида эътибор барқарор ривожланишнинг асосий омилли сифатида таълимга бағишланган эди. Президент келажакдаги саммитни Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилди, унда таълим кун тартибининг марказий мавзуси сифатида қаралди. Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган Тошкентда меҳнат мигрантларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича халқаро форум ташкил этиш ташаббуси катта қизқиш уйғотди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Доҳадаги нутқи янги Ўзбекистоннинг одамлар, ижтимоий адолат ва халқаро бирдамликка қаратилган янги ташкил сиёсат фалсафасини акс эттирди. Эълон қилинган ташаббуслар Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга ва умумий маблағлар йўлида глобал ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга ҳисса бўлиб қўшилади.

“Дунё” АА



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси кўмита раиси,
иқтисодий фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Бу воқеани мамлакатимиз ташқи сиёсати ва миллий ривожланиш стратегиясининг мантиқий давоми сифатида қабул қиламан. Чунки давлатимиз раҳбарининг нутқи орқали дунё яна бир бор англади: Ўзбекистон тинчлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик гоёларини илгари суруви давлатдир.

Самарқанд фақат тарих эмас, бу келажақ билан боғлиқ рамз ҳамдир. Бу шаҳарда ўтган ҳар бир халқаро тадбир, хусусан, ЮНЕСКО сессияси инсон маънавиятининг энг олий ҷўққиларига етишиш йўлидаги янги қадами ифодалайди. Президентимиз нутқда ҳам бу рамзий маъно алоҳида ўрин тутди: **Самарқанд инсониятнинг тарих соҳнасидаги гуманистик гоёлар, нодир билимлар ва цивилизациялараро мулоқот маркази сифатида қирған шаҳар.**

Бу сўзлар ортида чуқур маънавий қараш ётади. Самарқанд Мирзо Улугбекнинг юлдузлар харитаси яратилган, Алишер Навоийнинг инсонпарвар гоёлари илдиэ отган, Имом Моътуриддиннинг ақидавий тафаккури шақлланган замин. Унда илм-фан, фалсафа ва илоҳий тафаккур бир нуктада уйғуллашган. Шу жиҳатдан “Самарқанд руҳи” атамаси инсоният тарихида янги маънавий формулани тақлиф этмоқда. Яъни маданият орқали тинчлик, илм орқали барқарорлик, маърифат орқали ривожланиш.

ЮНЕСКО — бу сўз кўпчилик учун халқаро ташкилот номи, холос. Аммо мен уни инсоният виждонининг институтлашган шакли сифатида кўраман. Мазкур ташкилот дунёдаги маданиятларнинг тенглиги, халқларнинг маънавий қадр-қимматини ҳимоя қилади. У маданий ёдгорликларни сақлайди, инсоннинг маънавий қиёфасини ҳам муҳофаза этади.

Ана шу асосий вазифаси, яъни маданий меросни асраб-авайлаш, миллатларнинг миллий ўзлигини сақлаш, турли динлар ва цивилизациялар ўртасида мулоқотни кучайтириш борасидаги фаолиятга юқори баҳо берилди.

Шу билан бирга, дунё ҳамжамияти “гуманитар соҳадаги глобал консенсус”га қақирилди. Бу аслида дунёда куч йўли эмас, маданият, билим ва ҳамжиҳатлик йўли орқали барқарор келажақни яратиш қақирғидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ташқи сиёсатида гуманитар йўналиш мутлақо янги босқичга кўтарилди. Бир вақтлар фақат сиёсий ва иқтисодий муносабатлар билан чегараланган дипломатия бутун янги қирра касб этди — маънавий мулоқот дипломатияси шаклланди. Бу фақат давлатлараро муносабатлар эмас, балки халқлар қалбидаги яқинлиқни мустақкамлайдиган сиёсий маданиядир.

ЮНЕСКО билан ҳамкорлик кенгайишти, 8 та кафедра, 24 та ҳамкор мактаб, “Шарқ тароналари”, “Мақом санъати” ва бошқа фестиваллар ташкил этилиши — буларнинг барчаси инсонни маънавий жиҳатдан бойитиш орқали давлат нуфузини ошириш йўлидаги амалий ишлардир.

Давлатимиз раҳбари буну нутқда очик таъкидлади: **“Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида сўнгги йилларда ҳамкорликни янги сифат босқичига кўтариш учун изчил ҳаракат қилмоқда”**. Бу изчиллик янги Ўзбекистоннинг халқаро имижини ва дипломатия фалсафасининг асосидир.

Шу нуктадан назардан, Самарқанддаги 43-сессия нафақат ташкилот, балки мамлакатимиз дипломатияси тарихида ҳам янги саҳифа бўлди. Унда халқимиз, маданиятимиз ва илм-фаннинг нуфузи ёзилган.

Буюк аждодларимиз Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Али Қушчи, Амир Темур, Камолиддин Бехзод номларининг ЮНЕСКО миқјисда эътифод этилиши фақат тарихий хотирағиға эмас, маънавий сиёсатнинг амалиётдаги кўриниши ҳамдир.

Миллий мерос ва умуминсоний қадриятлар бир-бирини тўлдирishi гоёси бутунги Ўзбекистон ташқи сиёсий ақидасида ҳам ўз аксини топган. Буну жуа муҳим жиҳат ҳисоблайман. Чунки тарихни сақлаш келажақни қуришининг энг ишончли йўлидир.

Шу тариқа ЮНЕСКОнинг Самарқанддаги сессияси нафақат сиёсий ёки маданий воқеа, балки инсоният онгидаги маънавий уйғониш рамзидир. Унинг минбаридан янраган нутқ Ўзбекистоннинг халқаро фаолиятини янги маънавий поғонага кўтарди.

“Самарқанд руҳи” ибораси дунёдаги бугунги зиддиятлар орасида янгида дунёқараш — бағрикенглик, мулоқот ва маърифатга асосланган инсонпарвар парадигмани илгари сурмоқда.

Бу “руҳ” фақат Самарқандга тегишли эмас. У янги Ўзбекистоннинг бутун дунё билан ҳамжиҳат бўлиш нияти рамзидир. Бу руҳини миллий ва халқаро сиёсатидаги янги стратегик йўналиш сифатида кўриш керак: таълимда инклюзивлик, маданиятда ҳамжиҳатлик, илмда очиклик, сиёсатда тинчлик.

Янги дунё тартибини маънавий асосда қуриш концепцияси

Илгари сурилган гоё ва ташаббуслар миллий манфаатлар, бутун инсониятнинг маънавий ва маданий ёлригини мустақкамлашга хизмат қилувчи глобал даъват сифатида янгради. Президент нутқининг ҳар бир жумласида миллий тафаккурнинг чуқур қатламлари, умуминсоний қадриятларга садоқат ва замоннинг илгор талабларига жавоб берадиган прагматик ёндашув мавжуд. Унда таълим, илм-фан ва маърифат соҳаларидаги ҳамкорлик масаласи алоҳида ўрин тутди. Бу йўналиш давлатимизнинг янги стратегик дунёқарашини ифода этувчи устувор йўналиш сифатида таъкидланди.

Дарҳақиқат, жаҳонда юз бераётган тезкор технологик ўзгаришлар, глобал рақобат кучайиши ва ахборот муҳитининг чексиз суръати ҳар бир мамлакатни инсон капиталини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратишга мажбур этмоқда. Шу боис, таълимни фақат билим бериш тизими эмас, балки миллатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини шакллантирувчи стратегик платформа сифатида кўриш керак.

Ўзбекистон эса бу йўналишда амалий ишларни авж олдиarmoқда. Яъни таълимнинг барча босқичларида халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда, янги авлод дастурлари ва глобал ҳамкор университетлар ташкил этилмоқда.

Бу нуктадан назардан қараганда, таълимни демократик жамият қуришининг асосий воситаси сифатида кўрсатилиши, жаҳон давлатларини ёшларга сармоя кириштишга қақириш, жаҳондаги тенгсизлик ва ижтимоий бўлинишга қарши маърифий йўл билан қурашиш гоёси алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу фақатгина таълим соҳасидаги ислохотлар эмас, балки маърифат орқали тинчликни таъминлаш концепциясининг анғича талқини сифатида ҳам қабул қилинди.

Нутқнинг иккинчи устувор йўналиши маданий мерос ва миллий ўзлиқни асраш масаласи бўлди. ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналиши — маданий хилма-хилликни муҳофаза қилиш ва уни инсон цивилизациясининг бойлиги сифатида қадрлаш зарурлиги таъкидланди.

Самарқанд шаҳрининг ўзи мазкур фикрнинг амалдаги ёрқин намунаси. Асрлар давомида турли халқлар маданияти, тиллари ва анъаналари қўшилиб, “Самарқанд руҳи” деб аталувчи ўзига хос бағрикенглик маданиятини яратган.

Таъкидланганидек, маданий меросни муҳофаза қилиш фақат тарихий ёдгорликларни эмас, миллат хотираси, инсоннинг маънавиятини ҳам сақлаб қолишидир. Бу масалада Ўзбекистон

“ЮНЕСКО — бу сўз кўпчилик учун халқаро ташкилот номи, холос. Аммо мен уни инсоният виждонининг институтлашган шакли сифатида кўраман. Мазкур ташкилот дунёдаги маданиятларнинг тенглиги, халқларнинг маънавий қадр-қимматини ҳимоя қилади. У маданий ёдгорликларни сақлайди, инсоннинг маънавий қиёфасини ҳам муҳофаза этади.

аввалдан ЮНЕСКО билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларининг ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатиға киритилиши фақат фахр эмас, масъулият ҳамдир.

Шу нуктада жаҳон ҳамжамиятини маданий ёдгорликлар ўтмиш, қолаверса, келажақ авлодлар олдидаги ахлоқий бурч эканини англашга қақириш жуа муҳим. Бу фикрлардаги маънавий юксаллик ва инсонийлик мазмунини айни нобарқарор воқеалар фонида зарурий даъватдир.

Нутқдаги жуа долзарб яна бир йўналиш ахборот ва рақамли маданият даврида инсоний қадриятларни асраб қолиш масаласи бўлди. XXI аср ахборот оқими шиддати, фейклар, манипуляциялар ва виртуал таассуротлар ортнда инсоннинг ички оламини йўқотиш хавфини ҳам келтириб қақирди. Бу ҳолатда фақат иқтисодий ёки сиёсий чоралар билан чекланиш мумкин эмас. Ахборот маданиятини шакллантириш, ёшларда танқидий фикрлаш, ахборотни таҳлил қилиш ва ундан маънавий фойда чиқара олиш қобилиятини ривожлантириш лозим. Жараёнда “ахборот эркинлиги масъулиятли фикр маданияти билан уйғун бўлиши шарт”, деган гоёнинг аҳамияти катта. Бу сўзлар журналистика, таълим соҳаси, глобал ахборот муҳитини бошқаришда ҳам муҳим концептуал йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, жамиятнинг инклюзив ривожланиши, айниқса, аёллар ва ёшларнинг тенг иштирокини таъминлаш масаласиға алоҳида урғу берилди. Бу гоё юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат билан узвий боғлиқ.

Таъкидланганидек, аёлларнинг ижтимоий ва илмий ҳаётдаги фаоллиги жамият тараққиётининг кўзгуси ҳисобланади.

ЮНЕСКО ҳам ўз фаолиятида аёллар етакчилигини қўллаб-қувватлашни устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб келмоқда.

Гендер тенглик сиёсати мисолида давлатимизнинг жаҳон стандартларига мос ислохотлар йўлида қатъият билан илгарилаетгани таъкидланди. Айниқса, таълим, фан, маданият ва давлат бошқарувида аёллар учун яратилган имкониятлар бу сиёсатнинг амалдаги ифодаси экани қайд этилди.

Ёш авлоднинг глобал муаммоларни ҳал қилишдаги роли ҳақида ҳам сўз юритилди. Ёшлар келажақ, бугуннинг ҳам фаол иштирокчилари бўлиши керак деган гоё сессия қатнашчилари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Жаҳон цивилизацияларининг ўзаро мулоқоти масаласиға алоҳида тўхталиб ўтилди. Ушбу фикр замирида жуа муҳим дипломатик гоё — “маданиятлар қарама-қаршилиги эмас, мулоқот орқали дунё тенглиги таъминланади”, деган тамойил ётади.

XXI аср инсониятининг энг катта муаммоларидан бири — бир-бирини тушуниш етишмаслиги ва ишонч таъқислиги. Шу боис, инсонийликнинг умумий тилини тиклаш, яъни маданият, таълим ва маърифат орқали халқлар ўртасида яқинлашувни кучайтириш ҳар бир давлат учун устувор вазифа бўлиши керак. Бу фикрлар давлатимизнинг ташқи сиёсат



сунъий интеллект масаласи бўлди. Бу мавзудаги фикрлар жаҳон сиёсат ва фан элитаси орасида катта қизиқиш уйғотди, чунки бу соҳа фақат технология ёки иқтисодий ресурс эмас, балки инсонийлик тамойиллари билан чегараланган маънавий масала сифатида талқин этилди.

У “технология инсонга хизмат қилиши керак, инсон технологияға эмас”, деган фикрни илгари сурди. Бу гоё аслида ЮНЕСКОнинг 2021 йилда қабул қилган “Сунъий интеллект этикаси бўйича тавсиялар” ҳужжатиининг мазмун-моҳиятиға мос келади. Давлатимиз раҳбарининг позицияси шундан иборатки, агар сунъий интеллект ривожини ахлоқий чегараларсиз кечса, у инсон қадр-қимматини соя остида қолдириши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, бу масалада икки муҳим йўналишға эътибор қаратилди. Биринчиси, сунъий интеллектни бошқариш ва ривожлантириш жараёнда давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, иккинчиси, сунъий интеллект таълим ва илмий фаолият орқали ахлоқий меъёрлар билан боғлаб борилиши зарурлиғидир.

Бу тақлифнинг глобал аҳамияти шундаки, у сунъий интеллектнинг фақат иқтисодий салоҳиятиға эмас, балки унинг ахлоқий ва маънавий таъсирига ҳам эътибор қаратишға чорлайди.

Навбатдаги муҳим тақлиф номоддий маданий меросни асраш ва унинг глобал ҳимоя тизимини мустақкамлаш ҳақида бўлди. Таъкидландики, моддий ёдгорликлар қандай аҳамиятли бўлса, халқнинг урф-одатлари, тиллари, миллий мусиқа ва фольклори, анъаналари ҳам шунчалик қадрлидир. Улар халқнинг руҳий қодини сақлайдиган, маданий барқарорликни таъминлайдиган манба ҳисобланади.

Шу нуктадан назардан қараганда, номоддий меросни асраш масаласи фақат маданий эмас, балки геосиёсий ва маънавий аҳамиятға эга. Чунки маданий меросни йўқотиш миллатнинг хотирасини йўқотиш билан баробар.

Номоддий меросни сақлаш борасида юртимиз бугунги кунда илгор таърибаға эга. Шашмақом, Бойсун маданий анъаналари, катта ашула, аския, палов билан боғлиқ маданият ва анъаналар, Наврўз байрамини нишонлаш

муаммо эмас, инсоният келажағига таҳдид ҳамдир. Шунинг учун Президентимиз **“Ҳеч бир бола ёки инсон билимдан маҳрум бўлмаслиги керак”**, деган гоёни илгари сурди.

Инклюзив таълим фақат ногиронлиги бор шахслар эмас, балки ижтимоий муҳитда имконияти чекланган ҳар қандай гуруҳ учун яратилиши лозим. Бу дегани, таълим тизими жисмоний инфратузилмани, таълим мазмунини, ўқитиш методикаси ва ўқитувчилар малакасини ҳам қамраб олиши керак.

Бу ташаббус барқарор ривожланиш мақсадлари дастури билан чамбарчас уйғун. Агар ҳар бир мамлакат инклюзив таълим сиёсатиға амал қилса, келажақда тенгсизлик даражаси кескин қисқаради ва ижтимоий адолат тамойили ҳақиқий ҳаётға кўчади.

Давлатимиз бу соҳада амалий таърибаға эга. 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси, ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус таълим муассасалари тармоғи халқаро ташаббуснинг амалдаги ифодаси ҳисобланади. Шу нуктадан назардан, инклюзив таълимни жаҳон миқјисда янги гуманитар дастур сифатида илгари суриш Ўзбекистоннинг глобал маърифат сиёсатидаги етакчилик даъвосини асосли равишда мустақкамлайди.

Президентимиз нутқидаги энг замонавий ва долзарб йўналишлардан бири, шубҳасиз,



сунъий интеллект масаласи бўлди. Бу мавзудаги фикрлар жаҳон сиёсат ва фан элитаси орасида катта қизиқиш уйғотди, чунки бу соҳа фақат технология ёки иқтисодий ресурс эмас, балки инсонийлик тамойиллари билан чегараланган маънавий масала сифатида талқин этилди.

У “технология инсонга хизмат қилиши керак, инсон технологияға эмас”, деган фикрни илгари сурди. Бу гоё аслида ЮНЕСКОнинг 2021 йилда қабул қилган “Сунъий интеллект этикаси бўйича тавсиялар” ҳужжатиининг мазмун-моҳиятиға мос келади. Давлатимиз раҳбарининг позицияси шундан иборатки, агар сунъий интеллект ривожини ахлоқий чегараларсиз кечса, у инсон қадр-қимматини соя остида қолдириши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, бу масалада икки муҳим йўналишға эътибор қаратилди. Биринчиси, сунъий интеллектни бошқариш ва ривожлантириш жараёнда давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, иккинчиси, сунъий интеллект таълим ва илмий фаолият орқали ахлоқий меъёрлар билан боғлаб борилиши зарурлиғидир.

Бу тақлифнинг глобал аҳамияти шундаки, у сунъий интеллектнинг фақат иқтисодий салоҳиятиға эмас, балки унинг ахлоқий ва маънавий таъсирига ҳам эътибор қаратишға чорлайди.

Навбатдаги муҳим тақлиф номоддий маданий меросни асраш ва унинг глобал ҳимоя тизимини мустақкамлаш ҳақида бўлди. Таъкидландики, моддий ёдгорликлар қандай аҳамиятли бўлса, халқнинг урф-одатлари, тиллари, миллий мусиқа ва фольклори, анъаналари ҳам шунчалик қадрлидир. Улар халқнинг руҳий қодини сақлайдиган, маданий барқарорликни таъминлайдиган манба ҳисобланади.

Шу нуктадан назардан қараганда, номоддий меросни асраш масаласи фақат маданий эмас, балки геосиёсий ва маънавий аҳамиятға эга. Чунки маданий меросни йўқотиш миллатнинг хотирасини йўқотиш билан баробар.

Номоддий меросни сақлаш борасида юртимиз бугунги кунда илгор таърибаға эга. Шашмақом, Бойсун маданий анъаналари, катта ашула, аския, палов билан боғлиқ маданият ва анъаналар, Наврўз байрамини нишонлаш

аъаналари, атлас ва адрас тайёрлашнинг аъанавий технологияларини сақлаш, Марғилон хунармандлиқни ривожлантириш маркази, лағзи, миниатюра санъати, бахшичилик, аъанавий илақ тайёрлаш санъати, Хўжа Насриддин ҳақидаги аъанавий ҳикоялар, қулоллик ҳамада наққошлик санъати, ифторлик ва унинг ижтимоий-маданий аъаналари, шунингдек, рубоб ясаш ва икром этиш санъати ЮНЕСКОнинг номоддий мерос рўйхатиға киририлган.

Яна бир муҳим ташаббус, гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг глобал етакчилигини қўллаб-қувватлаш масаласи бўлди. Бу гоё фақат ижтимоий эмас, балки маънавий мезон сифатида талқин этилди.

Аёлларнинг таълим, фан, маданият ва бошқарув соҳаларидаги фаоллиги жамият тараққиётининг кўзгусидир. Уларнинг салоҳиятини очиш миллатнинг маънавий салоҳиятини ошириш демакдир.

Мазкур масалада Ўзбекистон сўнгги йилларда жиддий қадамлар ташлади. Аёллар учун янги таълим ва касбий тайёргарлик дастурлари жорий этилиши, давлат бошқаруви тизимида аёллар улуши ўсиб бораётгани, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсади жамағармаси фаолияти кенгайгани фикримизни тасдиқлайди. Бу ишлар нафақат ички сиёсат натижаси, балки глобал миқјсдаги масъулият ифодаси ҳамдир.

қайта тиклаш, реставрация ва рақамлаштириш бўйича катта ишларни бақарди. Айниқса, Буюк ипақ йўли шаҳарлари ташаббуси доирасида маданий меросни инновацион технологиялар билан муҳофаза қилиш (масалан, 3D сканерлаш, виртуал музейлар) йўналишида илгор тажрибалар жорий этилди.

Маданий меросни қадрлаган миллат ўз келажагини йўқотмайди. Шу билан бирга, ўз маданиятини асраган халқ инсониятнинг умумий маънавий ҳазинасини бойитади.

XXI асрдаги глобал хавфлардан бири ахборот манипуляцияси ва ёлғон маълумотлар оқимидир. Ақлли технологиялар даврида инсон онгини ҳимоя қилиш, ҳақиқатни асли қиёфасида сақлаб қолиш ҳар бир мамлакатнинг устувор вазифаси бўлиши керак. ЮНЕСКО каби тузилмалар учун эса бу фикр жуа долзарб, чунки ахборот соҳасидаги дезинформация маданиятлар ва халқлар ўртасида ишончнинг йўқотиш хавфини келтириб чиқаради.

Мамлакатимиз азалдан турли динлар, турли миллатлар тинч ва тотув яшаган маскан бўлган. Биз бу аъанани замонавий дунёдаги бағрикенглик маданиятининг намунаси сифатида ривожлантиришни истаймиз.

Бу гоё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг маънавий устуни ҳисобланади. Самарқанд сессияси бу масала янада катта маънавий контекстда кўрилди.

Самарқанд нафақат ЮНЕСКО сессияси ўтказилган жой, балки бутун инсоният хотирасида да цивилизациялар чорраҳасида турган шаҳар сифатида рамзий қийматға эга. Бу шаҳарда ЮНЕСКО Бош конференцияси сессияси ўтказилиши тарихий воқеа бўлди. У маданият ва илм-фан соҳасида дунё миқјисдаги мулоқотни, XXI аср глобал сиёсатининг маънавий моҳиятини белгилаб берган воқеалиқдир.

Президентимизнинг юксак минбардаги нутқи бугунги инсоният олдида турган долзарб муаммоларға жавоб бериш билан бирга янги гуманизм фалсафасиға асосланган давлатчилик йўлини намоён қилди. Зеро, ҳар бир миллатнинг келажағи унинг маънавияти, илм-фани ва маданиятиға муносабатидан бошланади. Шунинг учун биз илм ва маърифатни глобал тараққиётнинг асосий устуни сифатида кўраймиз.

Бу гоё — янги Ўзбекистон дипломатиясининг асосий тамойилларидан бири, мамлакат ташқи сиёсатини иқтисодий манфаатлар билан чеклаб қўймайди, балки уни маданий ва маънавий ҳамжиҳатлик меъзолари билан бойитади.

Самарқанд сессиясидан чиқариладиган энг муҳим хулоса шуки, бу тадбир дунёдаги мураккаб қарама-қаршилиқлар фонида ишончни қайта тиклаш жараёнининг бошланиши бўлди.

Мулоқот зиддиятларға эмас, ечимларға етаклайди. Самарқанд минбаридан янраган ҳар бир сўз миллатларни эмас, инсонларни бирлаштиришға даъват этди. Бу ерда турли дунёқарашлар, маданиятлар ва аъаналар битта мақсад — тинчлик ва тараққиёт учун бирлашиш.

Ишонч — халқаро муносабатлардаги энг катта капитал. Давлатлар ўртасида ишонч бўлмаса, ҳеч қандай шартнома ёки битим барқарор бўла олмайди. “Самарқанд руҳи” ишончни қайта тиклаш, мулоқот маданиятини янада чуқурлаштириш гоёсини илгари сурди. Ҳамжиҳатлик — инсониятнинг ягона йўли. Бу ҳамжиҳатлик нафақат сиёсий ёки иқтисодий, маънавий бирдамликни англайди. Инсоният тақдирини фақат ҳамжиҳатликда ҳал бўлади.

Бу принципдан янги геосиёсий форматдаги гуманизмнинг ўзақ нуқтасиға айланмоқда. “Самарқанд руҳи” дипломатик ибора эмас, балки янги дунё тартибини маънавий асосда қуриш концепциясидир.

ЮНЕСКО сессияси мамлакатимизнинг ташқи сиёсий имижига мутлақо янги мазмун қилиб асосини мустақкамлайди. Илгари сурилган ҳар бир гоё жамиятда инсон қадрини юксалтириш сиёсатининг амалдаги ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсоният олдида турган глобал таҳдидлар орасида иқлим ўзгариши, маданий меросни асраш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари алоҳида ўрин тутади. Ушбу йўналишлар табиий ва технологик хавфларға қарши қурашиш, инсониятнинг маънавий барқарорлигини сақлаб қолишни кўзда туттади. Самарқанд минбари орқали янраган бу қақирқлар миллий сиёсатнинг мантиқий давоми, жаҳон миқјисдаги адолат ва инсонийлик мубозанатини тиклашға қаратилган стратегия сифатида намоён бўлди.

Иқлим муаммоси фақат табиий хавф эмас, маънавий ва маданий масъулият масаласи сифатида ҳам талқин этилди. Иқлим ўзгариши барча учун умумий синовдир. Унга қарши курашда ҳар бир давлат, ҳар бир инсон ўз хиссасини қўиши керак. Бу келажақ авлодлар олдидаги инсоний бурчимиздир.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Яшил макон” умумимиллий дастури шундай глобал ёндашувнинг амалий ифодасидир. У қўламазорлаштириш, аҳолининг экологик тафаккурини шакллантиришни ҳам мақсад қилади.

ЮНЕСКО сессиясидаги нутқ иқлим сиёсатиға янги фалсафий асос қўйди: у табиатни ҳимоя қилишни иқтисодий ёки техник масала сифатида инсон руҳи ва жамият маънавиятининг давоимийлигини таъминловчи асосий шарт сифатида кўрди.

Ўзбекистон сўнгги йилларда ЮНЕСКО рўйхатиға киририлган қатор объекларни



Наим ОБЛОМУРДОВ,
Тошкент давлат иқтисодий
университети профессори,
тарих фанлари доктори

Бошланиши 1-бегда

“Касаба уюшмаси” термини инглизча “trade union” ёки “labour union” деб аталувчи, ишчи ва ходимларнинг меҳнат, ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташкилотни англатади. Касаба уюшмаси пайдо бўлиши тарихига назар солсак, саноат инқилоби даврида (XIX аср) Буюк Британия ва АҚШда ишчилар гуруҳлари ўзаро бирлашиб ҳамда меҳнат шартонлари, иш ҳақи ва иш муддатлари бўйича биргаликда курашиб, дастлабки касаба уюшмаларини ташкил этди. Масалан, Британияда 1871 йилда “Trade Union Act” қабул қилиниб, касаба уюшмаларига қонуний фаолият юритиш имконияти очила бошлади.

XX асрда касаба уюшмалари миллий даражада кенгайиб, кейинчалик халқаро ташкилот мақомига кўтарилди.

Касаба уюшмалари миллий даражадан чиқиб, глобал тармоқларга қўшилди. Бу орқали ишчи ҳуқуқлари глобал стандартларга мослашяпти, трансмиллий компаниялар билан музокаралар олиб бориляпти ва ижтимоий ҳимоя тизими такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг 2020 йилда бўлиб ўтган саккизинчи қурултойи иштирокчиларига йўлаган табригидеда мамлакатимиздаги энг йирик фуқаролик институтини бўлган касаба уюшмаларининг ўрни ва роли кейинги йилларда ошиб бораётганини алоҳида эътироф этиб, мустакил давлатимиз тарихида илк бор 11 ноябрни Касаба уюшмалари куни этиб белгиланди.

2020 йил 23 ноябрда “Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида”-ги қонун қабул қилиниб, 11 ноябрь Касаба уюшмалари куни этиб белгиланди.

Тизимда Меҳнат инспекцияси ташкил этилгани жамоатчилик назоратини ўрнатishi борасида ишларни янги босқичга олиб чиқди. Кейинги беш йилда касаба уюшмалари инспекторлари томонидан 13 мингдан зиёд ташкилотда қарийб 46 мингта яқин камчилик аниқланиб, уларнинг аксарияти бартараф этилди. Жамоатчилик назорати орқали қарийб 500 минг ходимнинг ҳуқуқи тикланиб, улар фойдасига 267 миллиард сўм ундириб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши туяфайли меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг

кам миқдори қўриб чиқилиб, ўтган беш йил ичидеда 2 баробар оширилди.

2025 йилга келиб, жамоа шартномалари сони 2021 йилдаги 110 мингдан 127 мингта, қамраб олинган ходимлар сони эса 4,3 миллиондан 5 миллион 540 мингта етди. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 960 мингдан ортиқ аёл, ёш ва кекса манзилли қўллаб-қувватланди.

1991 йилдан 2017 йилгача ўтган 26 йил давомида касаба уюшмалари тизимида 1 та янги санаторий қурилган бўлса, охириги 9 йил давомида тизимда 14 та янги санаторий қурилиб, фойдаланишга топширилди ва яна 10 га яқини реконструкция қилинди. Натижада ўрилар сони 2017 йилдагидан 2 минг 43 тага ошиб, йилига қўшимча 60 мингдан зиёд аҳолини соғломлаштириш имкони яратилди.

Кейинги беш йилда федерация тизимида қанча санаторий ва дам олиш уйларида 900 мингта яқин фуқаро соғломлаштирилди. Уларнинг 43 фоизига имтиёзли йўлланмалар ажратилиб, саломатлиги мустаҳкамланди.

Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, 2022 йилда федерация тизимида Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти тузилди. Фаолиятини тўхтатган ёки самарасиз ишлаётган 82 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи мазкур қарор асосида федерация балансига ўтказилди ва тасарруфдаги оромгоҳлар сони 110 тадан ошди. 2020-2025 йилларда 9 та янги болалар оромгоҳи қурилди, 76 таси капитал таъмирланди. 2021-2025 йиллар ёз мавсумида 1 миллион 545

келгашларга ўтган йилги сайлов натижаларига кўра, касаба уюшмаларининг 52 ходими ва фаоли туман ва шаҳар кенгашларига, 17 нафари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларига депутатликка сайланди. Бу юртдошларимизнинг касаба уюшмаларига ишончи ортиб бораётганидан далолат.

Ҳозирги кунда касаба уюшмаларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Бунинг сабаби, энг аввало, ташкилотнинг халқ ичига чуқур кириб бораётгани, одамларнинг оғирини енгил қилиш, эл-юрт хизматига камарбаста бўлишни ўзининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олганидандир.

Янги тахрирдаги Конституциямизда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади — ижтимоий давлат қуриш, ижтимоий адолат ва бирдамлик принципларини жорий этиш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби мутлақо янги механизмларни назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди. Хусусан, Конституцияда “Касаба уюшмалари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этади”лар ва ҳимоя қиладилар. Касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир”, деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирилашишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишга тўқсинлик қилиш, шунингдек, уларни касаба уюшмасига аъзо бўлиш ёки аъзоликдан чиқишга мажбурлашга йўл қўйилмайд.



мингдан ортиқ бола, шундан 800 минг нафари стационар, 700 мингдан зиёди кундузги оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Бундан ташқари, жаҳон стандартларига тўла жавоб берувчи Касаба уюшмалари сув спорти саройи фойдаланишга топширилди. Яна бир муҳим жиҳат, охириги йилларда касаба уюшма аъзолари сони 8 миллион нафарга етди.

Касаба уюшма мутахассислари ва фаоллари салоҳиятини ошириш борасидаги ишлар натижасида мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий

Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса, иш билан таъминлаш борасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этиши, иш берувчилар томонидан меҳнат ва соҳага тааллуқли қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши, шунингдек, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга даъво аризаси, зарур ҳолларда суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи белгилангани аҳамиятлидир. Зеро, Президентимиз



таъкидлаганидек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча иш берувчилар ва раҳбарлар бутун дунёда тан олинган қуйидаги қондага амал қилса яхши бўларди: ҳар қайси корхона ёки ташкилотда касаба уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар албатта улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши шарт. Шундагина жамиятимизда меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатларининг олди олинади, ҳаётимизда ижтимоий адолат қарор топади.

Иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатлари шароитида касаба уюшмаларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, куч ва маблағларни бирилаштиришга эҳтиёж кучайди. Эндиликда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ўз фаолиятини ижтимоий шерикчилик асосига қурмоқда ва ҳукумат, вазирликлар, идора ва вилоят ҳокимликлари билан икки томонлама ҳудудий ва тармоқ битимлари туза бошлади. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликнинг олдини олиш, меҳнаткашларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масалалари билан шугулланиш касаба уюшмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишларига айланди.

Шунингдек, 100 йилдан ортиқ тарихга эга, ўз вақтида миллий санъатимиз ва жаҳон маданиятининг машҳур даргалари бетакрор ва ёрқин истеъдодини намоён этган, Тошкент шаҳри марказидаги собиқ маданият маскани бутун Касаба уюшмалари саройи сифатида қайта бунёд этилди. Ушбу санъат қонанаси касаба уюшмалари сайё-ҳаракати билан ўзбек маданияти ва санъатини янада раванқ топтириш, ёш авлоднинг маънавий дунёсини юксалтиришдек эзгу ишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ташкил этилгани соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва меҳнат муносабатларини илмий тадқиқ қилиш нуқтани назаридан муҳим аҳамиятга эгадир.

Касаба уюшмалари томонидан корхона, ташкилот, массасаларда ишлаётган, олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида таълим

олаётган ёшлар, шунингдек, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш, улар билан ишлашни тизимли йўлга қўйиш мақсадида федерация ҳузурида ёшлар ва хотин-қизлар кенгашлари ташкил этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш доирасида касаба уюшмалари яратилаётган янги иш ўринларининг ҳаққонийлигини ўрганишда иштирок этмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ёшларни ишга жойлаштиришда касаба уюшмалари иштирокчини таъминлаш юзасидан комплекс чоратадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Норасмий секторда меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай корхона ва ташкилотлар ходимларини касаба уюшмаларига жалб этишга қаратилган аниқ чоралар қўрилмоқда.

Ўтган даврда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сабабларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этилишини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари учун ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш комиссиялари ишида иштирок этиш бўйича услубий қўланма, Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тизимида қабардор этиш тартиби, Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш комиссияси ишида касаба уюшмалари вакилигини белгилаш тартиби ишлаб чиқилди.

Бошланғич ташкилотларнинг корхона, ташкилотларда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига кўмаклашиш мақсадида ҳар икки йилда бир марта “Энг намунали бошланғич ташкилот” кўрик-танлови ўтказилмоқда. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.

Ёш мутахассисларга иқтидорларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида ҳар йили “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” кўрик-танлови ўтказилаётгани қутилган самара берапти.

Кейинги беш йилда федерация тизимидаги санаторий ва дам олиш уйларида 900 мингга яқин фуқаро соғломлаштирилди. Уларнинг 43 фоизига имтиёзли йўлланмалар ажратилиб, саломатлиги мустаҳкамланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг хорижий мамлакатлардаги турдош ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани юртимиз нуфузини жаҳон миқёсида тараннум этишга хизмат қилмоқда. Хусусан, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат кенгашига монанд тарзда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан тузилган Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгаши минтақа мамлакатлари меҳнаткашлари ўртасида дўстлик ва бирдамлик, ўзаро манфаат ва ишонч тамойилларига асосланган яқин қўшничилик муносабатларини жадал ривожлантириш учун ўзига хос мулоқот майдони вазифасини бажармоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Касаба уюшмалари умумқонфедерациясига аъзоликка қабул қилинди, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини оширишда ҳуқуқий мустакилликни таъминлаш, ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш, миллий даража ҳамда соҳавий йўналишларда жамоавий битимлар тизимини ривожлантириш ва кенгайтириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, жамиятимизда касаба уюшмаларининг роли ва аҳамиятини ошириш мақсадида кенг тарғибот-маърифат ишларини олиб бориш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда меҳнаткашларимиз қалбида шукроналик туйғуси қундан кун ошмоқда. Касаба уюшмаларининг барча иш ва ҳаракатлари замирида ҳар бир меҳнаткаш учун муносиб меҳнат шартонти яратиш, оиласи ва фарзанди келажакини таъминлашга кўмаклашиш, маънавий жиҳатдан соғломлиги ҳамда бахту саодатига эришиш мақсади муржаасам.

Мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишлар, “Инсон қадри учун” ғояси асосидаги ислохотлар янги Ўзбекистон касаба уюшмалари олдида янги вазифаларни қўймоқда. Касаба уюшмалари ҳам меҳнаткашларимиз ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, муносиб меҳнат шартонлари яратиш, ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, миллиатимизнинг юксак маънавий сифатларини ардоқлаб, уларни янада бойитиш, ривожлантириш ва дунёга кўрсата олиш каби вазифаларни адо этишда фаоллик билан олға қадам ташламоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистоннинг бор борадаги ютуқлари бутун халқаро миқёсда ҳам тан олиниб, юксак баҳоланяпти. Табиийки, бу янгиланиш ва ўзгаришларда касаба уюшмалари фаол иштирок этиб, ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий иштирокчилиги ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш йўлида хизмат қилмоқда.

Катта ва бой тажриба мактаби, шонли анъаналарига эга бўлган мамлакатимиз касаба уюшмалари янги Ўзбекистонда янгица меҳнат муносабатлари шаклланиши ва раванқ топишига муносиб ҳисса қўшишда давом этади.

ташкил қилинмоқда. Уйлар атрофида турли мевали ва манзарали дарактлар экилиб, уларни сугориш тизими барпо этилмоқда.

Бу ерга келган киши одамлари самимий, атрофи яшилликка бурканган, барча шароитга эга шаҳарчага тушиб қолгандек сезади ўзини. Чунки массивда нафақат кўп қаватли турар жойлар, балки мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти, спорт майдони, ўқув марказлари ҳам бор. Айниқса, “Янги Ўзбекистон” оилавий шифокорлик пунктнинг ташкил этилгани янги массив, Қора янтоқ маҳалласи аҳли учун ҳам жуда қулай бўлди.

Бутун Сариосиё, Бойсун, Жарқўрғон, Ангор ва Термиз туманларидаги “Янги Ўзбекистон” массивларида 5 ва 9 қаватли уйлар қад ростламоқда. Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизими ўрнатилган. Бу хона ҳароратини мустакил бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради.

Қарор ва фармонлар халқ ҳаётида, уларнинг кундалик турмуш тарзида ўз аксини топтомоқда. Бу халқимиз қалбида эртанги кунга ишонч, юртга муҳаббат ва ислохотларга иштиёқни янада мустаҳкамлаяпти. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бутун Сурхондарё вилоятидаги бунёдкорлик ишлари нафақат архитектурада, балки инсон қалбида ҳам янги нафас, янги руҳ, янги орзу-умидларни уйғотмоқда.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Обод гўшалар

Инсон ўз уйига эга бўлса, кўнгли хотиржам, иши унумли ва баракали бўлади. Сурхондарёда ана шундай бахтга эришаётган юртдошларимиз сади кенгайиб борапти. Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида минглаб оилалар замонавий уй-жойга эга бўлмоқда. Шу тариха “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил ҳар бир оиланинг ҳаётида ўз ифодасини топтомоқда.

Жарқўрғон туманидаги Қора янтоқ маҳалласида замонавий, ўзига хос меъморий қиёфадаги шаҳарча бунёд этилди деса, биров ишонмасди. Тўғри-да, кўм бархандан иборат, куч ушча қаноти, одам юрса оёғи қуядиган бу жойда яшил гиёҳни учратиш

амри маҳол эди. Бутун бу ерда илм-фан асосида ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилмоқда.

— Лойиҳадан мақсад чўли обод гўшага айлантириш, аҳолининг турмуш даражасини бутунлай янги босқичга олиб чиқишдир. Бугун ана шу овлоқ жой кўп қаватли уйларнинг чирогидан чароғон бўляпти. Бахтли оилалар, ҳажжи фарзандлар кулгиси эса унга янада фойз бағишляди, — дейди Жарқўрғон тумани ҳокимлиги мутахассиси Дилноза Чориева.

Замонавий инфратузилмага эга “Янги Ўзбекистон” массиви Шоҳиста Менглиева сингари юзлаб ёшлар ҳаётини тубдан ўзгартирди. Уларнинг орзусидаги кенг ва шинам хонадонлар, қулай яшаш шароити, болалар учун боғча ва мактаблар ҳаётини ҳақиқатга айланди.

Мазкур массивни барпо этиш учун 2021 йилда Қора янтоқ маҳалласи ҳудудидан 25 гектар ер ажратилган эди. Орадан кўп ўтмай, 2022 йил бошида ҳудудда 3 та 5 қаватли уй фойдаланишга топширилди. Ҳозиргача 56 та хонадон учун бошланғич бадал тўланиб, уй эгалари кўчиб келди.

— Бутун қувончимиз чексиз. Қисқа муддатда кўз ўнгимизда кўп йиллик орзумиз амалга ошмоқда. Уй-жойли бўлди. Бу ерда мактаб, поликлиника, сайлгоҳ, савдо



дўконлари ҳам қурилган, — дейди янги хонадон бекаси Сарвиноз Ҳамроева. Ҳозиргача 7 та микромарказ, 29 та савдо ва маийий хизмат кўрсатиш объекти қурилди. Бундан ташқари, массив ҳудудида 50 қатновли оилавий поликлиника, 180 ўринли

болалар боғчаси, 330 ўринли мактаб ва ахборот технологиялари маркази фаолияти йўлга қўйилган.

— “Янги Ўзбекистон” массиви ва атрофидаги объектлар режаси пухта тузилган. Хусусан, истиқболда аҳолининг ўсиши, ҳудуднинг

“Бор” сўзи. “Бор” шаклига эга бўлган бир неча сўз бор, энди шулар билан танишамиз. “Бор” шаклидаги шаклдош сўзларнинг бири “йўқ” сўзининг зидди бўлиб, мавжуд деган маънодадир. Бир нимани мавжуд демоқчи бўлсак, “бор” деймиз.

Бу сўз — “дир”, “эрур” маъносиди ҳам қўлланилади. Масалан, “бормен мусофир ҳам ғариб” деганда, “бор” сўзи — “дир”, “эрур” маъносиди қўлланган. Баъзан йўқ сўзи билан бирга “бору йўқ” ёки “йўғу бор” тарзида, баъзан ёлғиз ўзи ва кўпинча учинчи шахс эгалик қўшимчаси билан “бори” ёки “бари” шаклида “хамма” маъносиди ҳам ишлатилади.

“Бор” шаклидаги сўзлардан яна бири “бормоқ” феълининг ўзати ва унинг буйруқ формасидир. “Бормоқ” феълининг кетмак маъносиди ишлатилишини ҳам ёлдан чиқармаслик керак. Масалан, “мактабга бор” дегандаги “бор” сўзи “бормоқ” феълининг буйруқ формасидир.

“Бор” шаклидаги сўзлардан яна бири қабул маъносидидаги “бор” сўзидир. “Боргоҳ” сўзи мана шу қабул маъносидидаги “бор” сўздан ясалган бўлиб, қабулхона деган маънодадир. “Неча бориб эшигига бор топмадим” деган мисрадаги “бор” сўзи мана шу қабул маъносидидаги “бор” дир. “Бор аҳли” дегандаги “бор” сўзи ҳам қабул маъносидидир. Бор аҳли ёки қабул аҳли рад аҳлининг зиддидир.

Яна юк ва оғирлик маъноларидаги “бор” сўзи ҳам мавжуд бўлиб, юк ташувчи, оғирлигини тортувчи деган маънолардаги “бор” сўзига тортар маъносидидаги “каш” сўзини қўшиб ясалгандир.

Яна мева маъносидидаги “бор” сўзи ҳам мавжуд бўлиб, у юк маъносидидаги “бор” сўздан ажралгандир. Навойнинг:

Ғам гулшида қадим эрур ул ёғочким,
Пайкону бори ҳажринг анинг

баргу борикур,
деган байтидаги биринчи “бор” юк, оғирлик маъносидидаги “бор” сўзи ва иккинчиси мева маъносидидаги “бор” сўзидир.

Яна “марта” маъносидидаги “бор” сўзи ҳам бор, Масалан, “бир бор”, “икки бор” дегандаги “бор” сўзи марта маъносидидир.

Яна ёғар, ёғдирад, сочар маъноларидаги “бор” сўзи мавжуд бўлиб, ёш сочар маъносидидаги “ашкбор”, мушк сочар маъносидидаги “мушкбор” каби сўзларнинг таркибидида учрайди.

Лутфийнинг машҳур бир туюғи бўлиб, унда мазкур “бор” шаклига эга бўлган сўзлардан тўрттаси ишлатилган. Туюк бундай:

Эй кўнгул, ёрсиз сенга не бор бор,
Қайдаким ул зулфи анбарбор бор.
Чек жасфову жавру нози борини,
Бир кун ўлғайким, дегайлар “бор бор”.

Бу туюқнинг радифидидаги “бор” сўзи мавжуд маъносидида. Биринчи мисра қофиясидаги “бор” мева маъносидидаги “бор” бўлиб, ҳосил, натижа маъносидида қўлланган. “Эй кўнгул, ёрсиз сенга не бор бор”, яъни қандай ҳосил, натижа бор. Иккинчи мисра қофиясидаги “анбарбор” анбар ёғдирувчи, анбар сочувчи деган маънодадир. Қайдаким ул зулфи анбарбор бор — қаерда ўша анбар ёғдирувчи, яъни хушбўй қора зулф бўлса, чек жасфову жавру нози борини, демакдир. Тўртинчи мисра қофиясидаги “бор” эса қабул маъносидидаги “бор” дир: Бир кун ўлғайким, дегайлар бор бор бор, яъни жавру жафоси нозини тортаверсанг, охир бир куни қабул бор дегайлар, яъни қабулга эришсан.

“Перо” сўзи. Ўзбек тилида “перо” сўзи фақат темирдан қилинган ёзув қуролига нисбатан қўлланади. Рус тилида эса бундан ташқари, “пат” ҳам “перо” деб аталади. Темир перо ясалмасдан бурун Европада хат ёзиш учун пагдан, асосан, ғоз пагидан фойдаланганлар. Темир перо қурол сифатида патнинг вазифасини бажаргани учун бу янги қуролни ҳам “перо”, яъни “пат” деб атаганлар. Фарқлаш керак бўлганда, темир перони “стальное перо”, яъни “пўлат пат” деб атайдилар. Ўзбекчадаги “перо” сўзи маъно жиҳатдан русчадаги “стальное перо”-га тўғри келади. Униси ўзбекчада “пат” ёки “патқалам” дейилади. Шарқда, жумладан, Ўзбекистонда “пат” ёзув қуроли сифатида ишлатилмаган.

Фақат мусаввир (рассом)лар тасвир (рассм солиш)да каптар пагидан фойдаланганлар. Қалам эса қамишдан ясалган. Телевизорда баъзан ўзбек классик шоирларининг қўлига патқалам тутқазиб қўйилади. Бу тўғри эмас. Уларда қалам, яъни қамишдан ясалган ёғич бўлган ва қалам бошқа ёзув асбоблари билан бирга қаламдонда сақланган. Ҳозир биз европача қаламини бизга руслар олиб келгани учун уни русча сўз билан “ручка” деб атаймиз. “Ручка” сўзининг лугавий маъноси, аслида, “қўлча”, “тутқич” дегани. У



қўл маъносидида “рука” сўздан ясалган. Аслида, форсча “даста” сўзи ҳам қўл маъносидида “даст” сўздан худди “ручка”га ўхшатиб ясалган. “Даста”даги “а” қўшимчаси қадимда “ака” тарзида бўлган ва бу ҳозирги тиллардан ўтган бўлиб, асл шакли охирги тадқиқотларга мувофиқ “қаламтош” дир.

Қамиш қаламини пат қаламдан фарқ қилиш зарур бўлганда руслар уни “тростниково перо” ёки “калям” ёхуд “калам” деб атайдилар. “Тростник” қамиш дегани, таржимон Лев Пеньковский Навойнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини русчага таржима қилганда “қалам” сўзини “калам” шаклида берган. У Навойнинг “Фарҳод ва Ширин”даги:

Қаламким, раҳнаварди тезмақуру,
Азалидин манзили фавақ ул-фалақдур,
деган байтини:

Қалам! Ты нашей мысли скороход,
Превысил ты высокий небосвод,
деб таржима қилган.

“Қалам” сўзининг асл лугавий маъноси, умуман, кесим, хусусан, қамиш кесимидир. Шунинг учун бир кесим қазми “бир қалам қазми” дейилади, парраклангандан сўнг “япроқ” дейилади.

“Масса” сўзи. Бу сўз аслида латинча бўлиб, ўзбек тилига рус тили орқали ўзининг асосий ва физикага оид маъноси билан ўтган. Рус тилида унинг бир неча маъноси бор. “Масса” сўзининг рус ва ўзбек тиллари учун умумий бўлган асосий маъноси ҳажм ва миқдор эътибори билан жисмнинг моддасидир. Эски вақтда ўзбек тилида шу маънода Шарқ тиллари учун уму-

(“Сўз хусусида сўз” китобидан)

ҳам рус тилида “масса” сўзи ишлатилиши мумкин. Бўтқа кўк ўсимликдан тайёрланган бўлса, уни бадий қилиб ифодалаш мақсадида “зеленая масса”, яъни “кўк бўтқа” деб ҳам атайдилар.

Мана шуни баъзилар айрим ҳолларда сунистеъмол қиладилар. Масалан, “жўхори-попя ўриб олинди” дейиш ўрнига “кўк масса ўриб олинди” дейдилар. Бу тил нуқтаи назаридан тўғри эмас. Чунки жўхориюпя бўтқа эмас, ундан ташқари, бўтқа ўриб олинмайди. “Масса” сўзини бу ҳилда ишлатиш рус тили нуқтаи назаридан ҳам тўғри эмас. Чунки “зеленая масса” иборасини русчада ҳам жўхориюпяга нисбатан ишлатиш мумкин. Яна рус тилида “масса” сўзининг тўп, тўда маъноси бор. Масалан, “масса мурьев” деганда қумурсқа тўдаси, “масса камней” деганда тош тўпи тушунилади. Яна бу сўзнинг “омма” маъноси ҳам бор, масалан, омма билан алоқада бўлишни “связь с массой” дейилади. Булардан ташқари, “масса” сўзининг кўп, кўплаб деган маъноси ҳам бор. Масалан, “одам кўп йиғилди”, деган гапни русча “собралась масса людей” дейиш мумкин.

“Компьютер” сўзи. Бу сўз инглизча бўлиб, ҳисобламоқ маъносидидаги “компют” феълига “чи” маъносидидаги “э” деб айтилади-ган “эр” қўшимчаси қўшиб ясалган сўзидир. Мазкур сўз инсонга нисбатан ҳам, ускунага нисбатан ҳам ишлатила беради. Бинобарин, “компьютер” сўзи ўзбекчадаги “ҳисобловчи” ёки “ҳисобчи” ва “ҳисоблагич” сўзларига тўғри келади. Аммо рус тилига “компьютер” сўзи “ҳисоблагич” маъноси билан ўтган ва электрон ҳисоблагичга нисбатан қўлланади. Рус тилида электрон ҳисоблагичнинг тавсифий номи ҳам вужудга кел-

натижасида электрон ҳисоблагичларнинг вазифаси кенгайди. Улар ҳозир мақсад ва натижа эътибори билан математик амалларни эмас, илму фаннинг бошқа соҳаларига оид амалларни ҳам бажармоқда. Масалан, тиббиётда касал турини аниқлашда ҳам ҳисоблагичдан фойдаланилмоқда. Иккинчи сабаби бир сўзнинг иборига нисбатан ихчамлигидир. Тилда ихчамликка интилиш асли бор. Буни лингвистикада “тежаш принципи” деб атайдилар. Рус тилида “вычислительная



машина” деганда, ускуна ҳисоб билан чекланган деб тушунилади. Аммо “компьютер” деганда, аслан инглиз тилида мавжуд бўлган “хисоб” маъноси русчада ўқилмайди. Мана шу сабабларга кўра, ҳозир “компьютер” сўзи кўпроқ қўллана бошлади.

“Спиритизм” сўзи. Бу сўз латинча арвоҳ маъносидидаги “спиритус” сўздан олинган бўлиб, унинг лугавий маъноси арвоҳчиликдир. Махсус маъноси ўлган кишининг руҳи билан алоқа боғлашдир. Бунга ишонувчи ёки шу иш билан шугулланувчи “спирит” дейилади.

Спиритизм хурофотга асосланган фиирибгарликдан иборат бўлиб, Ғарбий Европа ва Америкада кенг тарқалган. Инқилобдан олдин Россияда ҳам спиритизм машҳур бўлган.

Шарқда бу амалнинг ўзи Европадагидек маълум бўлмаса ҳам номи бор. Буни “истихозир” ёки “истихоз ул-арвоҳ” деб атайдилар.

“Абстракция” сўзи. Бу сўзнинг лугавий маъноси аритиш, айириш бўлиб, бу сўз хориздаги, яъни зехндан ташқаридаги мавжудотнинг бир ёки бир неча жиҳатини, хосасини ёки улар орасидаги муносабатни фикран ажратиб олишни ва шу фикрий амал натижасида зехнда ҳосил бўлган тушулчани билдиради. Демак, “абстракция” сўзи ҳам фикрий амални, ҳам фикрий амал натижасини англатади. Амални билдирганда у “абстрагирование” сўзига маънодош бўлади. “Абстракция” сўзи фикрий амални билдирганда, яъни маъно жиҳатдан “абстрагирование” сўзига тўғри келганда эса ўзбек тилида қўлланган “тажрид” ва “муфороқа” сўзларига муодилдир. Амал натижасини, яъни зехнда мавжуд тушулчаларни англатганда эса “муфороқа”, “мужарада” ва “эътибор” сўзларига эквивалентдир. Бу сўзларнинг кўпчилиги “муфороқот”, “мужарадот” ва “эътиборот” шаклидадир. Ўзбек тилида абстракциянинг бир турига нисбатан “маъно” сўзи ҳам қўлланган. Ҳозир “абстракция” сўзи ўзбек тилига ҳам ўтган ва у илмий нутқда қўлланади.

“Абстракция” сўзини равшанлаштириш учун мисол келтирайлик. Масалан, мавжудот бир-биридан ранги билан ҳам фарқ қилиши мумкин. Оқ олма бор, қизил олма бор, оқ гул бор, қизил гул бор, сариқ гул бор, пушти гул бор ва ҳоказо. Биз олмадан олмани, гулдан гулни фарқлаш ёки олма билан гулни ранг жиҳатидан бирлаштириш учун олмалар ва гуллардан уларнинг рангини фикран ажратиб оламиз. Мана шу фикрий амал “тажрид” ёки “муфороқа” ва “абстракция” ёки “абстрагирование” деб аталади. Мазкур фикрий амал натижасида онгимизда “қизиллик” тушунчасини ҳосил қиламиз, бу тушунча вужуд нуқтаи назаридан фақат



маъносидидаги риёл сўздан пуллаш маъносидидаги “реализация” сўзи ясалган. Бу “реализация” ўзбек тилидаги “пулланиш ва пуллаш” сўзларига тўғри келади. Ҳозир бу сўз худди шу шаклда ўзбек тилида ҳам, хусусан, илмий нутқда ҳам қўлланилмоқда.

“Миссия” сўзи. Бу сўзнинг ўзати “юбориш” маъносига эга бўлган латинча “миссио” сўзи бўлиб, ҳозирги рус тилида унинг бир неча маъноси бор. Дастлаб бу сўз диний маънода қўлланган ва “миссия” деганда, христиан динини тарғиб қилиш ва шу иш билан шугулланувчи ташкилот тушуниланган. Шу маънода, миссия билан шугулланувчи, яъни ўзга диндагиларни христиан динига қиритишга амалий ҳаракат қилувчилар “миссионер” дейилади. Миссионерлар борган ерларида ўз динларига ва миллатларига чуқур муҳаббат ва ерли халқ вакилларини бир-бирига ёмон кўрсатиб, нифоқ чиқариш мақсадида жуда эҳтиёткорона, миллий урф-одатларга камоли эҳтиром билан муносабатда бўлиб, касалларни даволаш, хайру эҳсонлар қилиш каби амалларни ҳолисона шаклда амалга ошириб, уларни ўз динлари ва ҳукмдорларининг асоратига туширишга тайёрлаб берадилар. Битта-иккита фаришта-сифат миссионерни кўрган содда халқ буларни юборган империалистларнинг ҳаммаси шундай экан деб тасаввур қилади ва уларга дарвозани кенг очиб беради. Улар бостириб келгандан кейин мақсадлари ерли халқни эксплуатация қилиб, уларни алоҳида халқ сифатида йўқотишга қаратилган ҳаракатлари аён бўлганда вақт ўтган бўлади.

Миссиянинг диний жиҳатдан муқаддаслигини назарда тутган ҳолда, “миссия” сўзини сиёсий жиҳатдан муҳим бўлган элчилик ва шунга оид нарсаларга нисбатан ҳам ишлатадиган бўлганлар. Натижада ҳозир бу сўз бирор ерга муҳим бир вазифа билан боришни ва умуман, топшириқни билдиради.

Менинг қиладиган ишим ёки вазифам ёхуд менга топширилган иш сиз билан аҳднома тузишдан иборат деган гапни русча “Моя миссия заключается в составлении договора с вами”, дейиш мумкин.

“Миссия” сўзи касб ва ҳунар билан боғлиқ вазифага нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, “миссия поэт” шoir бурчи, “миссия искусства” санъатнинг вазифаси дегани. Бунда вазифанинг юксаклиги назарда тутилди.

Яна миссия сўзи бир давлатнинг иккинчи давлатдаги вакиллари ва уларнинг идорасига нисбатан ҳам қўлланади. Ундан ташқари, бир давлатдан иккинчи давлатга юборилган махсус вакиллар ҳам “миссия” деб аталади. Масалан, “торговая миссия” — савдо вакил дегани.

“Аберрация” сўзи. Бу сўзнинг лугавий маъноси четлашиш бўлиб, илмда асосан кўриш ва кўриш асбобларида юз берадиган ноаниқликка нисбатан ишлатилади. Кўзга ёки оптик асбобларда аксининг бўзилиб, чапلاшиб ёки хира тулиши, Ернинг қуёш атрофида айланиши натижасида осмон жисмларининг чаплашиб кўрилиши, рангсиз нурнинг турли рангда ёпилиши аберрациядир.

Биологияда бу сўз зотнинг айнашига нисбатан ҳам қўлланади. Рус тилида “абберация” сўзи ғайриилмий, лекин китобий нутқда ҳам қўлланади ва ҳақиқатдан четлашиш, адашиш деган маъноларни билдиради.

“Мораторий” сўзи. Бу сўзнинг асли латинча бўлиб, кечиктирувчи деган маънога эга. Ҳозирги бир неча тилда бу сўз иқтисодий атама сифатида фавқуллода ҳодисалар натижасида ўловни кечиктириш маъносидида қўлланади.

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори,
академик

